

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**12.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

Bosh muharrirdotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	<b>TAHRIR HAY‘ATI:</b>
<p><b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b></p>	<p><b>ABDULLAYEV Bahrom</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>ABDULLAYEV Ikrom</b>, biologiya fanlari doktori, professor,  <b>ABDULLAYEV Ilyos</b>, iqtisod fanlari doktori,  <b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b>, tibbiyot fanlari doktori, professor,  <b>ABDULLAYEV O‘tkir</b>, tarix fanlari doktori,  <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b>, pedagogika fanlari doktori, professor,  <b>BOBOJONOV Bozorboy</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>BERDIMUROTOVA Alima</b>, falsafa fanlari doktori, professor,  <b>DAVLETOV Sanjarbek</b>, tarix fanlari doktori,  <b>DO‘SCHONOV Tangribergan</b>, iqtisod fanlari doktori, professor,  <b>HAJIYEVA Maqsuda</b>, falsafa fanlari doktori,  <b>IBRAGIMOV Zafar</b>, fizika-matematika fanlari nomzodi,  <b>IMOMQULOV Sevdior</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>JO‘RAYEV Mamatqul</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b>, texnika fanlari doktori, professor,  <b>JUMANIYOZOV Otaboy</b>, filologiya fanlari nomzodi, professor,  <b>KALANDAROV Aybek</b>, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib),  <b>NAVRUZOV Qurolboy</b>, fizika-matematika fanlari doktori, professor,  <b>OLLAMOV Yarash</b>, yuridik fanlari nomzodi, dotsent,  <b>OTAMURODOV Sa‘dulla</b>, falsafa fanlari doktori, professor,  <b>PRIMOV Azamat</b>, filologiya fanlari nomzodi, dotsent,  <b>QUTLIYEV Uchqun</b>, fizika-matematika fanlari doktori, professor,  <b>RO‘ZIMBOYEV Safarboy</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>RO‘ZIYEV Erkinboy</b>, pedagogika fanlari doktori, professor,  <b>SADULLAYEV Azimboy</b>, fizika-matematika fanlari doktori, akademik,  <b>SADULLAYEVA Nilufar Azimovna</b>, filologiya fanlari doktori,  <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b>, tarix fanlari doktori, professor,  <b>SALAYEV San‘atbek</b>, iqtisod fanlari doktori, professor,  <b>SALAYEVA Muxabbat Soburovna</b>, pedagogika fanlari doktori,  <b>SATIPOV G‘oipnazar</b>, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor,  <b>XODJANIYOZOV Sardor</b>, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari),  <b>YOQUBOV Jamoliddin</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>O‘ROZBOYEV Abdulla</b>, filologiya fanlari doktori,  <b>O‘ROZBOYEV G‘ayrat</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>G‘AYIPOV Dilshod</b>, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.</p>
<p><b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b></p>	
<p><b>2020 12(162)</b></p>	

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Davlat xizmatlari agentligi Xorazm viloyat boshqarmasi Urganch shahar Davlat xizmatlari markazida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan.  
**GUVOHNOMA № 1131.**

Ўрозбоев Абдулла (Урганч Давлат университети доценти, филология фанлари доктори)  
МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ АСАРЛАРИ ЯНГИ НАШРИ – ОГАҲИЙШУНОСЛИК  
РИВОЖИГА МУҲИМ ҲИССА

**Аннотация.** Мақола Муҳаммад Ризо Огаҳий асарлари кўпжилдлигининг 2019–2020 йилларда нашр қилинган жилдлари ҳамда ушбу лойиҳанинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга, галдаги вазифалар ҳамда муаммолар хусусида сўз боради.

**Аннотация.** В статье приводятся сведения об изданных в 2019–2020 годах частях много-томного цикла «Произведений» Мухаммада Риза Агахи, а также об особенностях данного проекта. Рассматриваются предстоящие задачи и проблемы, ожидающие своего решения.

**Annotation.** The article provides information about the volumes of the multi-volume “Works” of Muhammad Riza Agahi, published in 2019–2020, as well as the specifics of this project. At the same time, the tasks and problems ahead are also spoken about.

**Калим сўзлар:** Муҳаммад Ризо Огаҳий, табдил, нашр, нашрга тайёрлаш, матнушunosлик, манбаушunosлик, қўлёзма.

**Ключевые слова:** Мухаммад Риза Агахи, трансформация, издание, подготовка к изданию, текстология, источниковедение, рукопись.

**Key words:** Muhammad Riza Agahi, conversion, publication, preparation for publication, textual studies, source studies, manuscript.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 22 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш ҳақида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги 2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа тарихий ҳужжатлар Республикамизда маънавий-маърифий ҳаёт ва муҳитни барқарорлаштириш, авлодларга ниҳоятда бой миллий меросни тўла сақлаган ва сайқаллаган ҳолда етказишдек катта масъулият ҳиссини чуқур англаш ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори ҳам ана шундай тарихий ҳужжатлар сирасига киради. Чунки ушбу қарор ижроси сифатида энг муҳим ишлардан бири Хива шаҳрида Огаҳий ижодий мактабининг очилиши бўлса, бири Огаҳий асарлари кўпжилдлиги дунё юзини кўра бошлаганидир.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш учун Хоразм вилоят ҳокимлиги Огаҳий асарлари нашр харажатларини ўз зиммасига олиб, вилоят ҳокими Фарҳод Эрманов раҳбарлигида нуфузли таҳрир ҳайъати тузилиб, истиқболдаги ишлар режаси тузилди. Вилоят ҳокими ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Санъатбек Салаев ишлар кўлами ҳамда молиявий масалалар ечими билан муттасил шуғулланиб бормоқда. Бугунга қадар Огаҳий асарларининг 8 жилди дунё юзини кўрди. Режага мувофиқ, лойиҳанинг тўла ижроси 20 жилдга мўлжалланган. Навбатдаги 10 жилд ушбу кўламли ишнинг галдаги босқичи саналади.

Ҳозирча мазкур лойиҳа куйидаги кўринишда шаклланмоқда:

1-жилд. “Таъвиз ул-ошиқин” девони. Ф.Ғанихўжаев тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида доцент Д.Ғайипов ҳамда доцент С.Матқаримовалар томонидан тайёрланмоқда.

2-жилд. Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-икбол”. Ушбу асар миллий маънавийтимизда ўрни катта бўлишига қарамай, ворислар томонидан нашр қилинишини узок йиллар давомида кутди.

Ниҳоят, 2010 йил профессор С.Рўзимбоев, профессор Н.Жумахўжа, доцент А.Аҳмедовлар томонидан нашрга тайёрланиб, “Ўқитувчи” нашриётида чоп қилинди.<sup>1</sup> Асарнинг айни шу йил яна

<sup>1</sup> Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-икбол (Бахтлар боғи). Нашрга тайёрловчилар Н. Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. Тошкент, “O‘qituvchi”, 2010, 382 бет.

нидан ойлаб ишлов берилган ўн икки ёғоч устун ўз кифтида тутиб турарди. Бу устунларда ўн икки мамлакатнинг санъатини, урф-удумини кўриш, дидини пайқаш мумкин эди. Ўн икки мамлакатдан келишган усталар ўзларининг бор хунарларини ёғочларга муҳрлагандилар. Энди улар оддий ёғоч эмас, балки масжиднинг кўркига-кўрк, салобатига-салобат бағишлаб турган юксак санъат намуналари эди. Бу тасвирдан ўқувчи мамлакатнинг фаровонлиги, давлатнинг қудратли экани ва Султоннинг қанчалар юқори дид соҳиби эканини хулоса қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳикояда ишлатилган куйидаги сўзлар асарга тарихий руҳ берган:

◆акобир – юқори мартабали киши;<sup>1</sup>

◆кифт – елка;<sup>2</sup>

◆меҳроб – масжиднинг қибла томонидаги деворига тахмон шаклида қурилган жой;

◆махрам – ишончли хизматкор.<sup>3</sup>

Ушбу ҳикояда адолат, иймон-эътиқод, ҳалоллик ва поклик каби туйғулар улуғланади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, тарихий факт асосида бадиий асар ярата олган.

**Ёкубов Ислоҳжон (Низомий номидаги ТДПУ профессори,  
филология фанлари доктори), Самандарова Нигора (УрДУ мустақил тадқиқотчиси)  
БАДИЙ-РУҲИЙ ТАҲЛИЛ ВА ИЖОДИЙ ФАНТАЗИЯ УЙҒУНЛИГИ**

***Аннотация.** Мақолада Ж.Шариповнинг “Хоразм” романи мисолида социологик методнинг вульгарлашуви натижасида инсон ва ижтимоий ҳодисалар бадиий талқинида тарихий материализмнинг бузилиши ҳоллари тадқиқ этилган.*

***Аннотация.** В статье на примере романа-тетралогии “Хорезм” Дж.Шарипова анализируется разрушение исторического материализма, дается художественная интерпретация социальных событий и образов в результате вульгаризации социологического метода*

***Annotation.** In the article, the destruction of historical materialism at the artistic interpretation of social events and image as a result of the vulgarization of the sociological method is studied in the example of the novel “Kharezmi” by J.Sharipov.*

***Калим сўзлар:** бадиий таҳлил, эстетик талқин, социологик метод, роман-тетралогия, образ, характер, адабий-тарихий жараён, санъат фалсафаси, адабий танқид методикаси, методология.*

***Ключевые слова:** художественный анализ, эстетическая интерпретация, социологический метод, роман-тетралогия, образ, характер, литературно-исторический процесс, философия искусства, методика литературной критики, методология.*

***Key words:** artistic analysis, aesthetic interpretation, sociological method, tetralogy novel, image, character, literary-historical process, philosophy of art, literary criticism technique, methodology.*

Маълумки, инсон ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини бадиий таҳлил ва талқин қилиш, шунингдек, адабиёт тарихининг у ёки бу кесимида юзага келган бадиий асарларга илмий ёндашувнинг: “социологик”, “биографик”, “психологик”, “формал”, “структурал”, “лингвистик”, “герменевтик”, “гипотетик” ва бошқа методлари мавжуд. Шубҳасиз, муайян тарихий шарт-шароит тақозосига кўра, жумладан, ижтимоий-мафкуравий талабларни беҳад кучайтириш оқибатида умумидадабиётда ҳам шу методлардан бирини сунъий тарзда доминантлик мақомига кўтаришга уринишлар бўлган эди.

Социологик методнинг тарихи, ютуқ ва нуқсонлари ҳақида XIX асрнинг 30 – 40-йилларидан эътиборан илгари сурилган фикр-қарашлар, бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозаралар И.Гердер, Г. Гегель, О.Конт, И.Тэнъ, А.Пипин, П.Н.Сакулин, Г.В.Плеханов, В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов, А.В.Луначарский, В.Переверзев, В.Фриче, О.Ҳошим, О.Шарафиддинов (Айн), Ойбек, С.Хусайн, У.Эшонхўжаев, Муёнбузрук Солиховдан тортиб, бизнинг кунларимизгача катта давр оралиғида узил-кесил ҳал қилинган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008, 588-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 575-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 621-бет.

<sup>4</sup> История русского литературоведения. М., 1980; Плеханов Г.В. История в слове. М., 1988; П.А.Сакулин. Филология и культурология. М., 1990; Шарафиддинов О. Ўзбек шоири Чўлпон. “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 14 февраль; Ойбек. Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак? “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 17 май;

Бинобарин, тадқиқот методлари ўртасига “хитой девори” қўйиш ёхуд улардан бирини тамомила инкор қилиш фикридан йироқмиз. Чунки, аксарият ҳолларда, улар табиий тарзда қоришиқ ҳолда қўлланади. Кузатишлар тасдиқлайдики, социологик методнинг вульгарлашуви натижасида инсон қисмати ва ижтимоий ҳодисалар талкин қилинишида тарихий материализмнинг бузилиш ҳоллари Ж.Шариповнинг “Хоразм” романи мисолида нисбатан кам ўрганилган.<sup>1</sup> XX аср ўзбек насрида мазкур асардан ташқари, С.Сиёевнинг “Аваз” романи, шунингдек, драматургияда Айёмийнинг “Мавлоно Огаҳий” тарихий драмаси, К.Авазнинг “Феруз” драмаларида Феруз образига мурожаат этилган. Кўринадики, Хоразм шажаравий тарихнависи лиги мукамал дурдоналаридан тортиб, Ферузнинг ғазал ва мухаммаслари, шунингдек, XX асрда яратилган асарлар ўз мундарижасига кўра, ниҳоятда сертармоқ бўлиб, улардан Феруз тимсолини изламоқ улкан монографик тадқиқот мавзусидир. Шунинг назарда тутиб, мақолада роман-тетралогияда Феруз образининг бадиий талқини масаласини кўриб чиқамиз. Муаррих Баёний гувоҳлик беришича: “Ул ҳазратнинг<sup>2</sup> айёми ҳаётлари олти йил ва муддати салтанатлари қирк етти йилу ўн беш кун эрди...

Ул ҳазрат уламони кўп дўст тутар эрдилар ва шеърятти ғарронинг<sup>3</sup> иртивожиға саъй этар эрдилар ва бағоят раиятпарвар ва шафкатгустар ва одилу бозил<sup>4</sup> киши эрдилар...”<sup>5</sup>

Англашиладики, шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхони соний (Феруз) XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий ҳаёти тараққиётида ўчмас из қолдирган сиймолардан биридир. Унинг илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига меҳрибонлиги, саховатли ҳомий экани, тарихнавислик, таржимашунослик ва шеърят ривожига қўшган улуши, халқпарварлиги, адолатпешалиги замондошлари Огаҳий, Баёний, Лаффасий, Комил, Мирзо, Ходим, Камёб, Табибий, Мутриб, Фақирий, Чоқар сингари ўнлаб истеъдодлар битган турли жанрларга мансуб асарларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Муҳаммадризо Огаҳий Ферузнинг мамлакат ҳукмдори бўлишида улуғ бир ҳикмат кўрган ва улуғ ҳамда шарафли мартабасининг иқболини тилаб, давлатининг пойдор бўлишига хайрихоҳлик назари билан қараган эди:

*Шаҳаншаҳлик ўлсун муборак санго,  
Мададкор тангри таборруқ санго...*<sup>6</sup>

Ферузнинг гўзал ғазаллари, нозик ва ўйноқи мухаммасларида лирик қаҳрамон кечинмаларигина эмас, балки олижаноб инсон сифатидаги ўз хис-туйғулари, маънавий-руҳий қиёфаси ҳам акс этган.

Таъкидланганидай, собиқ шўро даврига келиб шахс тақдирини адабий-тарихий жараён негизда тадқиқ этиш ижодкорнинг адабиёт тарихидаги ўрнини холис белгилашга хизмат қилувчи мезон эканидан узоқлашилди. Натижада бадиий адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш, тарихий шахслар ва ҳаёт ҳодисаларини маданий муҳит, адабий-тарихий шарт-шароитларга кескин боғлаб қўйиш тамойили кучайди. Инсоннинг индивидуал ва ижтимоий борлигини тарихий, янада аниқроқ айтганда, яққаоқим мафкураининг синфий-партиявий асосларига боғлаган ҳолда акс эттириш авж олди. “Синфий кураш – тарихни ҳаракатга келтирувчи куч” экани ҳақидаги бундай тор дунёқараш адабий-мафкуравий таомил тусига кириб, санъат фалсафаси, танқид методикаси ва методологиясини буткул қамраб олди. Вульгар социологизм оқоваси узоқ йиллар давомида бадиий асарлар мазмуни жўнлаштирилишига сабаб бўлди.

Маълумки, Ж.Шарипов бадиий ижоддаги энг йирик асари – тўрт китобдан иборат “Хоразм” тетралогиясини яратгунча бўлган давридаёқ, “Ёлқин шеърлар” тўплами, “Хоразм”, “Максим Горький” дostonлари, “Саодат” қиссаси асарлари билан бадиий ижодда қаламини чархлаган, демак, ўзбек китобхонига яхши таниш эди.

Шубҳасиз, адабий ижод сирларини кунт билан ўрганиш, республикада таржима назарияси ва тарихи фани асосчиларидан бири сифатидаги илмий фаолияти, масъул лавозимларда ўнлаб

Усмонхон. Мунаққиднинг мунаққиди. “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 22 июнь; Ёқубов И. “Метод”ни англашда Отажон Ҳошимов позицияси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995, 1-сон, 18–24-бетлар; Каримов Б. Рухият алифбоси. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, Тошкент, 2016 ва б.

<sup>1</sup> Ёқубов И. Бадиий адабиётда Феруз тимсоли. Феруз шоҳ ва шоир. Урганч, 1994, 43–52-бетлар.

<sup>2</sup> Феруз – Муҳаммад Раҳимхони соний назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Шеърятти ғарро – жўшқин назм.

<sup>4</sup> Бозил – саҳий.

<sup>5</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент, “Камалак”, 1991, 259-бет.

<sup>6</sup> Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик, II жилд. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 373-бет.

ижодкорлар: Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон билан ҳамдам, ҳамнафас ишлаш, И.А.Крилов, Ш.Руставели, А.С.Пушкин, М.Горький, Махтумқули, С.Стальский, В.Луговский, Б.Кербобоев, Қ. Сейлиев ижодидан намуналар К.Д.Ушинский сайланма асарларини ўзбек тилига ўгириш, мактаблар учун дарсликлар ёзиш ва халқимиз маънавий хазинасини бойитиш йўлидаги изланишлар Ж. Шарипов фаолиятининг муҳим қирраларидир.

Шуни унутмаслик керакки, “Хоразм” романи Ж.Шариповнинг қарийб ўттиз йиллик ижодий изланиш ва заҳматининг самараси сифатида вужудга келган. Муаллифнинг тарихий ҳужжатлар, ёзма ва архитектура ёдгорликларини синчиклаб ўрганиш, даврнинг жонли шохидлари билан узок суҳбатлар қуриш борасидаги жафокашлик билан қилган меҳнати, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Бирок, Ж.Шарипов ўз даврининг фарзанди сифатида йиғилган материалларни қандай ҳис қилган бўлса, жонли мушоҳадаларида туғилган барча фикрларни оқ қоғоз саҳифаларига рўй-рост тушира олмасди. Материалларни бадиий идрок этмоқ босқичида илмий-назарий, фалсафий таҳлил методи ўз-ўзидан амалдаги методология бўлиши табиий ҳол эди. Демак, роман баҳоланар экан, даставвал, унинг моҳиятини тўғри англамоқ учун асарнинг ғоявий-тематик, шаклий-услубий хусусиятларини тўла аниқлаштириш лозим.

Романда эпизодик персонажлардан бири – қирқ ёшдан ошган деҳқон Пирнафас ака тилидан: “Муҳаммад Раҳимхон қаттиқ касалмиш, улли-улли табиблар ҳам касалининг давосини топа олмаётган эмиш...” деган эл орасида тарқалган хавотирли миш-миш гап орқали Феруз ҳақидаги дастлабки хабар берилади.<sup>1</sup>

Англашиладики, ёзувчи Феруз ҳаётининг сўнгги кунлари, Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт воқеаларини қаламга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу боисдан ҳам, романнинг илк китоби 1910 йилда Хоразм ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II ўлиmidан сўнг, унинг ўғли Исфандиёрхон тахтга чиқиши тафсилотлари билан бошланиб, тўртинчи китоб 1924 йилда ўтказилган миллий чегараланиш воқеалари билан тугалланади.

Муаллиф хонлик тузуми синфий-сиёсий “моҳиятини” маърифатнинг топталиши, жаҳолатнинг устувор бўлиши фонида очиб беришга интилади. Адабий танқидчиликда тўғри таъкидланганидек, романда бадиий-руҳий таҳлил ва ижодий фантазия уйғунлиги етарлича мукамал ишланмаган. Тарихий ҳақиқатни қайта идрок этиш, характер яратиш, образлар руҳий оламининг тўлақонли таҳлили етишмайди. Асарда бадиий публицистик ва баёнчилик услубининг бирмунча устувор мавқега эгаллиги кўзга ташланади. Жумладан, адиб 1873 йилда рус қўшинларининг Хивани босиб олиши, генерал-адъютант К.П.Фон Кауфман ўтказган хунрезликлардан тортиб, то 1910 йилгача бўлган давр воқеаларини атиги бир саҳифадагина баён қилади. Хоразмнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши гоҳ “Хивнинг ишғол қилиниши” деб баҳоланса, гоҳ “Хива хонлигининг Россияга қўшилиши” қабилида таърифланади.

Кўринадикки, ёзувчи ўша давр тарихшунослик илмида ҳукмронлик қилган ёлғон ҳақиқатларга эргашар экан, романда халқимиз ўтмишининг катта бир даврини ҳаққоний акс эттира олмайди. Масалан, “Уч ўчоқ” мавзёсида, “Одам қирилғон” қудуғи ёнидаги жангда, Питнак, Ҳазорасп, Бешарик, Найман, Қулонқорабоғ, Шат, Қиёт, Хонобод, Ғозиобод, Зей, Дўрман, Хўжайли, Манғит, Хева, Қўнғирот, Урганч, Хонқа, Гурлан сингари қалъа ва қишлоқ аҳолисининг тенгсиз жангларда Черкасов, Верёвкин, Кауфман, Скобелев, Головачёв каби чор аскарбошилари қўшинига қақшатқич зарбалар берганлиги хусусида лом-мим дейилмайди.

Романда Муҳаммад Раҳимхонни сонийга Абдуқодир Тўра томонидан Хивада қилинган хоинлик (шаҳар дарвозаларининг беркитиб қўйилиши) “Муҳаммад Раҳимхоннинг қочиб кетиши” тарзида баҳоланади. “Хива хонлигининг Россияга қўшилиши ака-укалар ўртасидаги тахт учун бўлаётган ҳар хил фитна-иғволарни, қабиалар – ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ўртасидаги урушларни бирмунча бартараф қилди. Россия подшолиги Муҳаммад Раҳимнинг ака-укалари томонидан тахт учун бўлган даъволарини қабул қилмай, Муҳаммад Раҳимни қочиб кетган жойидан олдириб келиб, ўз ўрнида хон қилиб қолдирди. Бу ҳодиса унинг мавқеини мустаҳкамлади, Россиядек кучли давлат паноҳида Муҳаммад Раҳим энди ўзини дадил тутди. Бу ҳодиса элда осойишталик юзага келтирди” деб ёзади муаллиф. Ўлкада яшовчи халқларнинг Октябрь тўнтаришидан кейин гўё “миллат сифатида шаклланиши” ҳақидаги уйдирма ёзувчини ўзбек, туркман, қорақалпоқларни “қабиалар” деб қарашга ундайди.

<sup>1</sup> Шарипов.Ж. Сайланма. Уч жилдлик. Биринчи жилд. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1981, 16-бет (Иқтибослар шу нашрдан олиниб, саҳифаси кўрсатиб борилди).

Эътироф этиш керакки, роман воқеалари кечаётган даврда Саййид Аҳмад тўра (Отажон тўра) Ўр маҳалласидаги ўз хонадониди уй қамоғига маҳкум этилган, ака-укалар ўртасида жиндай англашилмовчилик мавжуд эди. Бирок, ҳукмдор томонидан қилинган бу қаттиққўлликни ака-укалар ўртасидаги ўзаро ҳурматсизлик деб тушунмаслик керак. Феруз инисини жасур, чўрткесар ва ботир йигит сифатида ҳурмат қилган. Баёний ёзади: "...хон ҳазратларининг улўғ биродарлари Саййид Аҳмад тўраким, они Отажон тўра дер эдилар, бағоят баҳодиру чолок<sup>1</sup> ва забардасту бениҳоят тезу хашмгину<sup>2</sup> тундхўй<sup>3</sup> киши эрди. Хон ҳазратларининг муҳаббатлари онга даражаий камолда эрди. Бу сабабдин онинг хилофи роёини асло этмас эрдилар".<sup>4</sup> Айни пайтда, Отажон тўра ҳам, ўз йигитлари билан бўлган базмда ҳаддан ошишларга йўл қўйганини эътироф этиб, бу буйруққа, сўзсиз, итоат этган.

Иккинчидан, ҳақиқатан, чор Россияси истилоси, "элда осойишталик" юзага келтириб, ўзаро низоларга барҳам бердими? Кауфман туркман қишлоқларида ўтказган жабр-зулмларни эслашнинг ўзиёқ, бу фикрнинг ҳақиқатдан йироқ эканлигини кўрсатади. Муаррих Баёний ёзади: "Баъзи захмдорлар ўлукларнинг ораларида ўзларини ўлукдек этиб ётмиш эрдилар, Русия аскарари найза била уруб ўлтурур эрдилар. Ва ул ерда бир кичик кўл бор эрди, йигирмадин кўпроқ хотунлар ўғлонларин кучоқларига олиб, ул кўлга кириб, сув ичида экинларнинг ораларида пинҳон бўлуб туруб эрдилар. Русия аскарари оларни кўруб, милтуқ ўқи била оларни уруб қатл этдилар...

Русия аскараридин икки юз қирқ киши ва ямрутлардан уч юз киши қатлга етган эрканлар... Бечоралар аҳли аёлларининг шойи, яъни тузуку билазук ва ғоливу фалосларин бешдин биру ўндин бир баҳосига сотдилар".<sup>5</sup>

Ж.Шарипов Ферузнинг ўз ҳаёти давомида қилиб улгурган эзгу ишларини баён етар экан, буларнинг барини чор Россиясининг ўлкада юзага келтирган "осойишталик" натижаси сифатида баҳолайди: "Муҳаммад Раҳим табиатан музика ва адабиётга шинаванда бўлиб, Феруз тахаллусида шеърлар ёзган. Рўй берган осойишталик натижасида ўз саройида маданий ишларга кўпроқ аҳамият берган эди. У Хивада тошбосма очиб (1874), кўп китоблар бостирган. Сарой атрофига шоирлар, созанда-хонандалар, мунажжимларни тўплаб, уларни рағбатлантирган. Унинг саройида Огаҳий, Комил, Табибий, Аваз, Нодим каби шоирлар шеърый кечалар ўтказишар, ижодий мусобақалар қилишарди" (17-бет).

Бизнингча, эрк деган олий туйғу, мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратиш Муҳаммад Раҳимхон II фаолиятидаги қуйидаги иккита даврни бир-биридан фарқлашни талаб этади:

1. Чор Россияси истилосигача бўлган даврда мамлакатнинг эркин идора қилиниши.
2. Чор Россиясининг вассали бўлган Хивани бошқариш даври.

Агар юқоридаги таснифга амал қилинадиган бўлса, Ж.Шариповнинг баҳолаш мезонидаги яқранглик яққол кўзга ташланади. Яъни, Муҳаммад Раҳимхон Пнинг хонликдаги маданий-маърифий ишларга бош-қош бўлиши подшо Россияси яратган осойишталикнинг натижаси бўлмай, балки Феруз ижтимоий-маърифий фаолиятининг қонуний давоми эди.

Назаримизда, романда "Ёш хиваликлар" гуруҳининг муайян қисми ва хонлик тузуми, хусусан, Феруз муносабатлари ҳам етарлича бадий инкишоф этилмагандай туюлади. Зеро, хонлик тузуми ҳам, жадидчилик ҳаракати ҳам илмий жиҳатдан ҳали узил-кесил баҳосини олмаган бир даврда, Ж.Шарипов ўзгача йўл тутиши мумкин эмасди. Муҳаммад Раҳимхон II амалий фаолияти кузатилар экан, унинг XIX аср охирларида бошланган жадидчилик ҳаракатига ҳамоҳанг фикрлангани, мазкур ҳаракатга хайрихоҳ бўлгани ойдинлашади. Жумладан, олис қадимий Хоразм диёрига литография, фотография сингари ўнлаб замонавий янгиликларни олиб кириш, қўшни мамлакатларнинг мутараққий тажрибаларини сидқидилдан ўрганиш ишига бош қўшиш, сарой аъёнларидан тортиб, барча маърифатга чанқоқ иқтидорларни ўз даври илғор тажрибаларини ўрганишга ундаш каби қатор эзгу ишлар фикримизни далиллайди.

XX аср бошларида рус ўлкашуносларидан бири В.Масальский ўз хотираларида шундай ёзган эди: "Оби ҳаётни кўпгина ўнлаб чақиримларга элтаётган бу қудратли оқимларни кўрганда,

<sup>1</sup> Чолок – тетик, илдам, чакқон.

<sup>2</sup> Хашмгин – ғазабли.

<sup>3</sup> Тундхўй – бир сўзли, ўжар, нозиктабиат.

<sup>4</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент, "Камалак", 1991, 205-бет.

<sup>5</sup> Шу манба. 227–230-бетлар.

техник билимлари жуда ночор бўла туриб. Туркистон куёшининг жазирима нурлари остида бени-хоя меҳнат эвазига бутун мамлакатни суғориш шохобчалари билан тўлдирган халкка беихтиёр меҳринг уйғонади киши”.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, биз, ҳақли равишда, катта Фарғона канали қурилиши хусусида кўп гапиримиз-у, лекин негадир Полвонёб, Лавзан, Шовотёб, Газовотёб, Қилич Ниёзбек каналлари, ўнлаб тўғонлар ҳақида нисбатан камроқ тўхталамиз. Ахир, мазкур иншоотлар қурилиши, уларни таъмирлаш ишларига хонлик тузуми бош-кош бўлмаганми? Агар “техник билимлари жуда ночор” бўлса, бу замин дунё тамаддунига Ал-Хоразмий ва Берунийдек даҳоларни берармиди?

Демак, маҳаллий халқ математика, геометрия, астронимия сингари аниқ фанларнинг ютуқларидангина эмас, кўп сонли миробларнинг юксак малакасидан ҳам унумли фойдаланиб, суғориш шохобчалари қурган. Соҳил тупроғининг тузилиши, чўкиндилар табиати, жой қиялигидан тортиб, тегирмонлар ўрнатиш ҳамда пахта тозалаш устахоналари, ёғ заводлари ишга туширишда улардан фойдаланиш истиқболларигача ҳисобга олган. Муҳаммад Раҳимхон Пнинг Мунис, Огаҳий, сингари мироблар сулоласига ҳомийлик қилгани минглаб аҳолини машаққатли меҳнатга жалб қила билгани европаликларни ҳайратга солиши, табиий.

Дарҳақиқат, академик М.Миддендорф тўғри таъкидлаганидек: “Ўрта Осиёнинг меҳнатсевар аҳли биз учун (яъни европаликлар учун) ишга мислсиз талабчанлик, муҳаббат, толиқмай уннаш ва ҳаракат қилиш матонати, катта жонли, заковат намунаси хизматини ўтайди”.

Муҳаммад Раҳимхон II фаолиятининг яна бир қиррасини Ўрта Осиё шахарсозлиги дурдоналаридан бўлган Хива архитектурасида кўриш мумкин. Шаҳарнинг мадраса, масжид, саройлари ўз улуғворлиги, чизикларининг нафислиги ва гўзаллиги, рангларининг ёрқинлиги билан кишини ҳайратга солади. Осмонўпар иморату миноралар, кўкка интилган сарвкомат устунлардаги соатлаб термулишни талаб этадиган сирланган рангдор ғиштлару нафис ишланган нақшлар, пештоқларига пардоз берилган яшил-ҳаво ранг куббали улуғвор макбаралар бетақрор гўзаллиги билан жаҳон сайёҳларини ҳамон лол қолдириб, мағрур қад ростлаб турибди.

Афсуски, “Хоразм” романида бу жиҳатлар ўз аксини топмаган. Бирок, шуни эътироф этиш керакки, Муҳаммад Раҳимхон II барпо этган Тозабоғ тасвири, шунингдек, шох ҳаётининг сўнгги кунлари қалбидан кечган руҳий кечинмалар романда бирмунча жонли тасвирланган. Бинобарин, ёзувчи романда наинки социологик ва биографик методлар балки маданий-тарихий мактаб анъаналарини ҳам ижодий ўзлаштиришга интилган. Шахс шаклланишида оила, ижтимоий муҳит, давр сингари омиллар муҳимлигини назардан қочирмасликка уринган. Айниқса, Феруз руҳияти: уни қийнаган дардлар, ўй-ҳисларнинг ифодалари орқали шох ва шоирнинг маънавий-руҳий биографиясига ишора қилинган ўринларда бу ҳол яққол бўй кўрсатишидан кўз юмиб бўлмайди. Шунингдек, Ж.Шарипов Феруз ва Аваз Ўтар муносабатларини ҳам ҳаққоний, ишонarli тасвирлаб бера олган. Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг ҳам шоир ҳам шох сифатидаги қиёфасини айнан шу икки шахс муносабатлари фонида очиб беришга мувофиқ бўлган.

**Отажанова Манзура Оманбоевна (филология фанлари номзоди,  
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)  
БАДИЙ МИФОЛОГИЗМ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада миф, бадий мифологизм, унинг асардаги фалсафий юки, Чингиз Айтматовнинг асарларида мифдан фойдаланиш сарҳадлари, бадиияти, образларнинг кўп қатламлилиги, полифоник тасвир ҳақида назарий-таҳлилий фикр юритилган.*

***Аннотация.** В данной статье дается теоретико-аналитическое представление о мифе, художественном мифологизме, его философской нагрузке в творчестве, границах использования мифа в творчестве Чингиза Айтматова, его богатстве, множественности образов, полифоничности образа.*

***Annotation.** In this article, a theoretical-analytical idea of myth, artistic mythologism, its philosophical burden in the work, the boundaries of the use of myth in the works of Genghis Aytmatov, its wealth, multiplicity of images, polyphonic image is given.*

***Калим сўзлар:** миф, мифологик дунёқараиш, сюжет, мотив, образ, архетип, бадий мифологизм, полифоник тасвир, фалсафийлик, реализм.*

***Ключевые слова:** миф, мифологическая мировоззрение, сюжет, мотив, образ, архетип, ху-*

<sup>1</sup> Россия. Полное географическое описание нашего отечества. СПб, 1913, с. 423.



## TILSHUNOSLIK

<b>Юлдашев Акмал Гуламжанович.</b> Тилнинг антропоцентрик моҳияти хусусида.....	80
<b>Рустамов Дилшодбек Абдувахидович.</b> Тил имкониятларининг нутқий воқеъланишида лисоний ва прагматик омиллар.....	84
<b>Розиқова Гулбахор Зайлобидиновна.</b> Полисемия ҳодисаси ва унда синекдоханинг ўрни.....	88
<b>Душаева Умида.</b> Ҳозирги замон испан тилида барқарор ўхшатмалар қўлланишининг ўзига хос семантик хусусиятлари.....	91
<b>Бердиёрова Раҳима.</b> Матнларда окказионал фразеологик бирликлар қўлланишининг прагматик хусусиятлари.....	94
<b>Раҳманов Ботир.</b> Этнографизмлар талқини ва унинг ёндаш соҳалар билан муносабати масаласи...97	
<b>Авезов Элбек.</b> Инглиз ва француз тилларида жисмоний идрокни ифодаловчи тил бирликларининг изоҳли луғатларда қўлланишининг лексик-семантик хусусиятлари.....	100
<b>Нуруллаев Хасан Тўхтаевич.</b> Немис ва ўзбек тилларида адъектив ва адвербиал соматик фразеологик бирликларнинг морфологик-синтактик таҳлили.....	103
<b>Худайбергана Назока Раҳимовна.</b> Терминларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.....	109

## ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Амиркулова Зебунисо Мустафоқуловна.</b> Тарихийлик ва бадиият синкретизми.....	113
<b>Ёқубов Исломжон, Самандарова Нигора.</b> Бадиий-руҳий таҳлил ва ижодий фантазия уйғунлиги....	116
<b>Отажанова Манзура Оманбоевна.</b> Бадиий мифологизм ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	120
<b>Рўзимбоев Сафарбой, Сададинов Бунёд Сабинович.</b> Ошиқ Эркин лирикасининг фонопоэтик хусусиятлари.....	124
<b>Ashurov Baxshillo Sharopovich, Nabiyeva Yulduz Dilshodovna.</b> Abdurahmon Akbar ijodida raqamli va sonli she'rlarning shaklan va mazmunan mukammalligi.....	127
<b>Гайлиева Огулбай Курбанмуратовна.</b> Ҳозирги туркий халқлар шеърлятида Махтумқулининг адабий анъаналари.....	130
<b>Мамағаймова Guljahon Farhodovna.</b> Abdurahmon Jomiyning “Xiradnomayi Iskandar” asaridagi gumanistik konsepsiya hamda falsafiy-ijtimoiy qarashlar.....	134
<b>Behzod Rustamov Faxritdinovich.</b> “Hayrat ul-Abror”ga ilk qadam.....	138

## JURNALISTIKA

<b>Оққўзиева Махсума Зафаровна.</b> Журналист текшируви жараёнида журналист позицияси.....	141
--	-----

## PEDAGOGIKA

<b>Турақулов Олим Холбўтаевич, Ҳалимов Ўктам Ҳайдарович.</b> Техника йўналиши олий таълим муассасалари талабаларининг математик компетентлиги – педагогик категория сифатида.....	144
<b>Ибраймов Асқар Есбосынович.</b> Касбий фаолият давомида узлуксиз масофавий малака ошириш траекторияси.....	148
<b>Иноқов Қудратжон Қодиржонович.</b> Ҳамкорлик педагогикаси: имкониятлари ва устувор йўналишлари.....	150
<b>Мухаммадиева Манзура Маратовна.</b> Шахс масъулияти муаммосининг ҳуқуқий, фалсафий ва педагогик талқини.....	156
<b>Касимова Хулқар Атабоевна, Дусметова Мақсуда Матназаровна.</b> Спорт психологияси соҳасидаги психорегуляция ва унинг хорижий тадқиқотчилар тажрибасидаги педагогик ва психологик.....	159
<b>Турғунбаев Рискелди, Турсунова Зулайхо, Азатова Севара.</b> Универсал ўқув ҳаракатлар ва таянч компетенциялар ҳақида.....	161
<b>Бакиев Хабибулло.</b> Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашга доир баъзи мулоҳазалар.....	165
<b>Орипова Феруза Мелиевна.</b> Интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	169
<b>Аҳмедова Ойдин Садриддиновна.</b> Аутизм синдромли болалар луғат захирасини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	172
<b>Хамраева Ирода Сайфуллаевна.</b> Кичик мактаб ёшидаги ақли заиф ўқувчиларнинг махсус таълим жараёнида ўқиш малакаларини ривожлантиришнинг ўзига хослиги.....	174

<b>Bagbekova Laylo Kadirbergenovna.</b> Masofaviy ta'lim tizimi o'qitishning zamonaviy usuli sifatida.....	176
<b>Xamidova Muyassar.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitish va tarbiyalashda didaktik o'yinlardan foydalanish yo'llari.....	179
<b>Очилова Насиба Соткиновна, Кодиров Собиржон Солижон ўғли.</b> Торетические и практические особенности обучения студентов лексике английского языка в неязыковых вузах.....	181
<b>Abdiyev Akmal Urakbayevich.</b> The Use of Differentiated Approach in Teaching English in Andragogy.....	184
<b>Sabitova Iroda Srajiddinovna.</b> The Importance of Using Non-verbal Communication in EFL (English as a Foreign Language) Classrooms.....	189

## ILMIY AXBOROT

<b>Валиева Зайнаб Омонбаевна.</b> “Коронавирус” Пандемияси даврида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	192
<b>Қадиров Қувондиқ Айтибаевич.</b> Янги Ўзбекистон: Олий таълим тизимида ғоявий тарбия ишлари менежментини ривожлантириш ресурслари.....	194
<b>Худайқулова Латифа Авазовна, Мехлиева Дилноза Усмоновна.</b> Болалар тарбиясида боболар алласининг ўрни ва аҳамияти.....	197
<b>To'ychiev Abdunabi Xudoyberdievich.</b> Yozuvchining topganlari va tilaklari.....	199
<b>Sayfullayev Anvar Islamovich.</b> Tarjimon faoliyati haqida.....	201
<b>Mustanova Shaxnoza Rustamovna.</b> Sinxron tarjima jarayoni haqida.....	205
<b>Ўсарова Нилуфар Якубовна, Назарова Раъно Рахимовна.</b> Мақолларни таржима қилиш муаммолари.....	209
<b>Зулфия Маруфова.</b> Шарқона “Гўзаллик” концептини юзага чиқаришда илохий тимсолларнинг роли.....	212
<b>Мирзакаримова Махлиёхон Мадаминжоновна.</b> Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизими: тушунча ва тамойиллар.....	215
<b>О'razova Iqbol Abdikarimovna.</b> Boy berilayotgan xazina.....	218
<b>Норчаев Равшан Тоштемирович.</b> Тасвирий санъатда чизматасвирнинг ривожланиш босқичлари.....	221
<b>Хамидов Лутфулло Пайзуллаевич.</b> Банк соҳаси атама тизимининг умумлисоний таснифи.....	226
<b>Исмаилова Лайло Хондамировна.</b> Слоганнинг миллий туристик рекламадаги аҳамиятига доир.....	230
<b>Xamdamov Ramzbek Madaminjonovich, Usmonov Yorqinbek Muhtorjon o'g'li, Atadxo'jayev Tohirjon.</b> Lingvistik shevalar kontinuumi va uning til o'rgatishdagi ahamiyati.....	233
<b>Болтаев Фаррух Фарходович.</b> К вопросу о взаимосвязи языка и мышления.....	235
<b>Qodirova Dilfuza Alisherovna, Nazarova Gulbahor Azimjon qizi, Abdullayeva Dilafruz Mansurovna.</b> The Comparative Analysis on the Translation of English Slang Words.....	238
<b>Musurmankulova Madina Nosirovna.</b> Semantics of the Term “Competence” in Pedagogy and Development of Integrative Knowledge on Comparative-dialectological Competence of Future Teachers of the Russian Language.....	241

# “ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Aybek Kalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Maqsuda Hajiyeva**

Terishga berildi: 21.12.2020  
Bosishga ruxsat etildi: 31.12.2020.  
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.  
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasini.  
Adadi 150. Buyurtma №. 57  
Hisob-nashriyot tabag‘i 30  
Shartli bosma tabag‘i 28  
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani  
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi  
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01;

e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)

[ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)

Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>